O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

## Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари

(2—3 саҳифаларда).

Куч—адолатда

# Адолат

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ☼ 1999 йил, 5 февраль, № 5 (198) ☼ Жума кунлари чиқади ☼ Сотувда эркин нархда

*Кучли давлатдан кучли жамият сари*

# ОШКОРАЛИК ШАРОФАТИ

***Баъзан шундай: ҳамма ҳам ўз айбини бўйнига тўлиқ олавермайди. Ўзини ҳақ, ўзгани ноҳақ деб ўйлайди. Шундай пайтда кимнинг қанақа эканлигини аниқлаб берувчи судьялар ҳам, қилни қирқ ёрадиган қонуншунослар ҳам бу масалада аниқ бир тўхтамга келишолмай хатоликка йўл қўйиши, ўзга бир кўнгилнинг кошонасини вайрон қилиши мумкин. У ҳолда кимдан мадад сўраб, қувват олса бўлади?***

**Бу дунёда ҳамма нарса ўз ўлчами билан яратилган. Ноҳақликка қарши адолат, ўғриликка қарши тўғрилик, қўйингки, ҳамма нарса ва ёвузликларга зид яхшиликлар ўз таъсир кучини ўтказиб келади. Эндиликда Ўзбекистон Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ана шундай эзгу ишга бош қўшиб келмоқда. Яъни, адолат йўлидаги янги кучга айланаяпти. Мухбиримиз қўмита аъзоси Жўравой Холматов билан учрашиб, бу жамоат ташкилотининг мақсад ва вазифалари, қилинаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.**

**— Жўравой Тожибоевич, аввало қўмитанинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

— Асосий ишимиз ҳамма учун тенглик ҳуқуқини қарор топтириш ва ҳимоя қилишдан иборат. Давлатнинг шаклланишида ҳуқуқий институтлар билан биргаликда тоталитаризмга қайтиш холларининг олдини олиш дастлабки мақсадимиз. Ишлаб чиқариш, ижтимоий, диний соҳаларда фуқаролар ҳуқуқининг бузилиш ҳолатларининг олдини олиш, текшириш, аниқлаш ва қайд этиш ниятидамиз.

Инсон ҳуқуқларининг якка тартибда ва ҳатто оммавий бузилишининг олдини олиш мақсадида халқаро ташкилотларга ўз хулоса ва таклифларимизни бераяпмиз. Қонунга хилоф равишда қатағон қурбони бўлган, ҳуқуқлари поймол қилинган фуқаролар ва уларнинг оилаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга кўмаклашамиз. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган билимларни тарқатамиз. Шу билан биргаликда инсон ҳуқуқларининг кўпол бузилиш холлари ҳақида қонун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, жамоат ташкилотларига, оммавий ахборот воситаларига, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотларга ахборот берамиз. Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича ҳужжатларни тайёрлашда фаол қатнашамиз. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилот ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг қарорларини амалга ошириш ҳам бизнинг асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

**— Қўмита фаолият кўрсатаётгандан буён қилинган ишларга қандай баҳо берасиз?**

— Қўмитамиз 1996 йили рўйхатдан ўтган. Шундан буён кенг қамровли фаолиятимизни амалга ошириб келаяпмиз. У аниқ режалар асосида юзага чиқарилмоқда. Шуниси қувончлики, энди биз ҳаётнинг ҳамма қатламларига чуқурроқ кириб боришга, адолат тантанасини у поймол этилган жойда юзага чиқаришга интилаяпмиз ва эришаяпмиз. Тўғри, бу йўлда айрим тўсиқлар ҳам бўлмоқда. Бироқ, касбий маҳорат, адолат йўлидаги интилиш кўзланган мақсадларимизни юзага чиқаришга йўл очмоқда. Оддий бир мисол: Мирзо Улуғбек туманида яшовчи эр-хотин Хусниддинҳожи ва Муяссар Исҳоқовалар бизга мурожаат этиб, низоли жой масаласида ёрдам сўрашди. Шуниси қизиқки, улар бизгача саккиз йил мобайнида 74 маротаба Олий судга, 9 маротаба республика Прокуратурасига, 7 маротаба Олий Мажлисга, 4 маротаба Адлия вазирлигига мурожаат қилишган, лекин муаммоларини ижобий ҳал эта олишмаган экан. Бизнинг аралашувимиздан сўнг низоли уй уларга қайтарилди ва шикоятчиларнинг аризалари қаноатлантирилди. Шундай муаммо юзасидан бизга мурожаат этган Ўрта Чирчиқ туманидаги фуқаро Раҳим Исаевнинг ҳам қонуний ҳуқуқлари тикланди. Бу билан айтмоқчиманки, одам адашиши, янглишиши мумкин. Аммо бир кун албатта адолат юзага чиқади. Уни ҳеч ким оёқ ости қилолмайди.

**— Демак қўмита адолат йўлидаги янги кучга айланмоқда.**

— Албатта. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур қонуний асослар бор. Бунда айниқса, ошкораликнинг яхши самара бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Мақсадимиз эзгу ишларга бош қўшиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида фаол бўлиш. Истагимиз эса, ҳеч кимнинг ҳуқуқи поймол этилмасин. Адолат ҳамиша тантана қилаверсин.

**Рустам ДОСТОН.**
**суҳбатлашди.**



Агар новвойлар ва уй бекаларидан қайси комбинатнинг уни яхши, деб сўрасангиз ҳеч ўйлаб ўтирмай «Оҳангарондон»ники деб жавоб беришади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, «Оҳангарондон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳалол ишлаб фақат сифатли маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлишяпти. Ўтган йили 80 минг тонна ун ишлаб чиқарган азаматлар бу йил бошиданоқ суръатни бўшаштирмай маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириб боришмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Сифат бўйича муҳандис Ира Кунакбаева ва лаборант Нафиса Аշировалар ун сифатини кўздан кечиришмоқда. 2. Комбинат биноси.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*Партия ахбороти*

# ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

***Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг бугунги кундаги фаолияти ва кенг қамровли ишлари билан танишиш мақсадида партия Сиёсий Кенгашига ташриф буюрган АҚШ Миллий демократик институтининг Марказий Осиё ва Туркия дастури бўйича катта маслаҳатчиси Жанна Левисон билан мулоқот бўлиб ўтди. Маълумки, америкалик меҳмон мамлакатимизда иш олиб бораётган сиёсий партиялар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган.***

Мулоқот чоғида Жанна Левисон хоним ўз ташкилотининг мақсад ва вазифалари хусусида партия Сиёсий Кенгаши котибларига қисқача маълумот берди. Шундан сўнг, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов, Сиёсий Кенгаш котиблари Улуғбек Дониёров, Равшан Ҳайдаров, Сиёсий Кенгаш котиби, «Адолат» газетаси бош муҳаррири Тўхтамурод Тошев Жанна Левисон хонимга «Адолат» социал-демократик партиясининг мақсад ва вазифалари, фаолияти билан боғлиқ ишлар хусусида сўзлаб беришди. Меҳмоннинг бир нечта саволларига жавоблар қайтаришди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

**Бугунги кунда Ўзбекистон келажагини яратаётган серғайрат ёшларимизни бошимизга кўтаришимиз лозим. Ватан учун жонини жабборга бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз Ўзбекистон келажагини тасаввур этиб бўлмайди.**

* * *

**Адолатсизлик қурбони бўлган ватандошларимизнинг пок номларини тиклаш борасида ҳали анча-мунча ишлар қилишимиз керак. Уларнинг ҳурматини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман.**

* * *

**Фарзандларимиз биздан афзалроқ, ўткирроқ, покроқ ва савобли ишларни биздан ҳам кўпроқ қиладиган бўлишлари лозим. Улар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаши, тарихимизни, маданиятимизни, буюк аждодларимиз қолдирган меросни чуқур билмоғи керак.**

* * *

**Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик.**

*9 февраль — Алишер Навоий туғилган кун*



***Ҳазрат Алишер Навоий ҳижрий йил ҳисоби билан 844-йили, ўн еттинчи рамазон куни (милодий ҳисоб билан 1441 йили 9 февралда) туғилганлар.***

● *Навоий ҳикматлари*

### ОДИЛ ПОДШОҲЛАР ТЎҒРИСИДА

● Адолатли подшоҳ Ҳақ таолонинг халойиққа кўрсатган марҳаматидур; бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир.

Одил шоҳ қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар очади ва мамлакат халқи бошига олтин билан дурлар сочади. Камбағал ва бечора одамлар унинг яхши, мулойим муомаласидан роҳатда; золим амалдор ва миршаблар унинг сиёсати тиғидан қўрқувда.

Адолатпарвар шоҳ халқни рози қилса, Ҳақ таоло шоҳдан рози бўлади.

### ДИЁНАТСИЗ САДРЛАР (МАНСАБДОРЛАР) ТЎҒРИСИДА

● Виждонсиз, ҳаром-ҳаришдан тортинмовчи, бедиёнат садрлар — ҳеч зарурати бўлмаган бидъатдек нарсадир. Агар бу нокас илмсиз бўлса, бутун қилмиши — бузуқлик, фисқу фужурдир.

Аслида садр — олимларга дастёр, шайхларга хизматкор, сайидларга кўмакчи ва фуқаро хизматига ҳамиша тайёр бўлмоғи керак. Улар зулм риштасини узгувчи, вақф ерларнинг бузилганини тузувчи ва зироат-деҳқончиликни авж олдиришга саъй-ҳаракат кўргизувчи бўлмоғи керак.

## Internet
### ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

● Кения пойтахтида БМТ атроф-муҳит муҳофазаси дастури бошқаруви кенгашининг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлади.

**● Германия Ташқи ишлар вазири Йошка Фишер 9-14 февраль кунлари Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқади.**

● Хитой Халқ Республикаси ҳукумати бошлиғи Чжу Жунцзининг таклифига биноан, Сент-Люсия Бош вазири Кенни Антони етти кунлик расмий ташриф билан Пекинга келди. Мазкур сафар 1997 йилда икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилгандан кейинги илк ташрифдир.



*СУРАТДА: Въетнамнинг Нячань шаҳридаги меҳмонхона.*

**● Россиялик 100 нафар мутахассис Ироқнинг энергетика объектларини таъмирлаш учун Бағдодга келди. Маълумки, ўтган йилнинг декабрь ойида АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳаводан Ироққа ракета зарбаси бериши оқибатида мамлакатнинг энергетика объектларига жиддий шикаст етган эди.**

● Покистон Афғонистоннинг «Толибон» ҳаракати дипломатик вакилига мамлакатга киришини тақиқлади.

**● Эрон ўзининг Афғонистон билан чегарадош ҳудудларидаги ҳарбий кучларини минтақада тинчлик ва хавфсизлик тиклангунга қадар сақлаб туради. Эронда чиқадиган «Теҳрон таймс» газетаси ана шу ҳақдаги хабарни тарқатди.**

● НАТО Бош котиби Хавьер Солана амалий ташриф билан Германияга келди. У ташриф пайтида ГФР канцлери Герхард Шрёдер билан учрашади.

**● Ўтган шанба куни Минскда бўлиб ўтган митингда муҳолифатнинг уч мингга яқин тарафдорлари қатнашди. Улар жорий йилда президентлик сайловларини ўтказиш талабларини илгари сурган шиорларни кўтариб чиқдилар.**

● Деҳлида Ҳиндистон билан Америка Қўшма Штатлари ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги масала бўйича уч кун давом этган музокараларни ниҳоясига етказдилар.

**● Шанба куни Париж яқинида халқаро тинчлик анжумани очилади. Унда серб-албан можаросига хотима қўйилиши кўзда тутилган.**

*Қонун барчага баробар*

# ПОРАХЎР ИМОМ-ХАТИБ

*Фельетон*

***Тўрткўлда туғилиб вояга етган Худоёр Ўразимбетов жаноби олийлари тузуккина диний билимга эга, сиртдан қараганда ўта тақводор одам эдилар. Шунинг учун ҳам бу зоти бобаракотга Ўзбекистон «Кўкалдош» ислом ўрта махсус билим юртининг мудири ва шу ном билан аталувчи жомеъ масжидининг имом-хатиби вазифалари муносиб кўрилди. Аммо ул мўътабар зот кўп хайрлию савоб ишларга қўл уриб, халқимиз дуосини олиб турган бу диний идорамизнинг обрўли раҳбарлари ишончини оқламай, шармандаи-шармисор бўлдилар.***

Ҳай-ҳай, оғзингизга қараб гапиринг! Кишиларни иймон-эътиқодга, дину диёнатга даъват қилувчи, ҳалоллик, ўзгалар ҳақига хиёнат қилмаслик ҳақида амри-маъруф этувчи жаноби олийларининг покиза шаъну шавкатларига бунақа хунук гаплар ҳаргиз ярашмайдур, дейсизми? Биз ҳам кошки шундай бўлса, дегувчи эдик. Бироқ, минг афсуски, ул зотнинг турмушлари «домланинг айтганини қилу, қилганини қилма» тарзида экан-да!

Агар шундай бўлмаганида, «Таъмагирлик уламоларнинг қалбидаги ҳикматни кетказади», «Пора берувчини ҳам, уни олувчини ҳам, ҳар иккаласининг орасида турувчини ҳам тангри лаънатласин!» деган каби муборак ҳадисларни қироат билан тўтидек такрорлагувчи бу домланинг ўзлари талабалардан таъмагирлик қилиб, пора олармидилар?! Йўғ-е, наҳотки шундай бўлса, деб ҳайратдан ёқа ушлаётган бўлсангиз ажаб эмас. Бизнинг ҳам «домланинг имом-хатиблик деган лавозимлари бор-а, қўйилаётган айб уларга зинҳорбазинҳор ёпишмайди-я», дегимиз келаверади, келаверади... Аммо инон-ихтиёримиздан қатъий назар, ул зотнинг порахўрликлари одил суднинг ҳукмида ўз тасдиғини топган бўлгач, иложимиз қанча? Бу иш айни ҳақиқатдур деб ишонамиз. Бас, шундай экан, тақдирга тан бериб, наҳҳи мункар тарзида қўлимизга қалам оламиз-да! Бул куракда турмайдирғон воқеа мана бундоқ бўлибдур:

1995 йилда Абдулқосим номидаги диний билим юртига ўқишга кирғон К. Эшонов деган йигитча мазкур билим юрти — «Кўкалдош» мадрасасига ўтказилгани чоғида бироз ўқишга келолмай қоладир. Натижада қишки синовларни топширолмайдир. Шунда у не қиларини билмай «Кўкалдош»нинг мудири — Х. Ўразимбетов жаноблари ҳузурига йўл оладир. Жаноб эса, вақтлари ўта зиқ эканлигини айтиб, уни «эртага кел» деб қайтарадилар. Талаба эртасига келиб, мудир жаноби олийларининг муборак суҳбатларини олиш шарафига муяссар бўладир. Талаба ва мудир ўзаро ўқиш ҳақида гаплашадилар. Эшонов қишки синовларни топширолмай қийналғонини, иложи бўлса, сиртқи бўлимга ўтиб ўқиш хоҳиши борлигини айтадир. Мудир эса бу ишда унга кўмак беражакларини жавоб тариқасинда изҳор этадирлар. Бечора бола пақир ҳазратнинг бу илтифотларини холис кўмак деб тушуниб, эртасига яна мудирнинг ҳузурларига ошиқадир. Аммо домла жаноблари томдан тараша тушгандек қилиб:

— Олиб келдингму? — деб сўрайдилар.

— Нимани? Менга бирон нарса олиб кел, демагандингиз-ку, домлажон?

— Унда 8.000 сўм олиб келсанг, ҳаммаси яхши бўладир. Бўлмаса бўлмайдир.

— Домлажон, маъзур тутасизу, менда шунча ақча йўқда! Агар иложи бўлса, бироз камайтирсангиз...

— Майли, 7.000 сўм олиб келақол, бўтам. Шундай қилсанг, ҳамма ишларингни тўғрилаб берадурман.

Илмига амал қилмаган, сўзи бошқа-ю, иши бошқа домланинг бу гаплари Эшонов учун ғоят таажжубли бўлса ҳам, ноилож розилик ишорасини қиладир-да, «Жўрабек» жомеъ масжидида истиқомат қилувчи К. Нишонов деган ўртоғига бориб ёриладир:

— Оғайнижон, мен сентябрь ойидан бери дарсларга бормаганим сабабли, журналга фамилиям тушмаган. Ёрдам сўраб мудир жанобларига учрашсам, пул талаб қилмоқдадирлар. Менда эса ақча кам. Лоақал 3.000 сўм қарз бериб тургил, илтимос.

— Йўғ-е, шайтонга ҳай берма, нималар деяпсан, оғайни! Оғзингга қараб гапир. Наҳотки мудир жаноблари шунчалик куфр ишларга қўл уришга ботинган бўлсалар? Ахир бундай қилиш шариатда гуноҳ, давлатимиз қонунларида эса жиноят-ку!

Икки ўртоқ ўзаро маслаҳатлашиб, шайтони лаъин йўлдан урғон таъмагир мудирнинг бу қилмиши хусусинда тегишли идораларга арз қилмоқ керак, деган хулосага келишди. Шундан сўнггина Нишонов Эшоновга 3.000 сўм қарз берди. Эшонов ўзидан 4.000 сўм қўшиб, жами 7.000 сўмни дин муаллими бўлмиш порахўр имом-хатибга бериш учун йўлга равона бўлди.

Домла жаноблари уни илиққинагина эмас, таъбир жоиз бўлса, қайноққина кутиб олдилар. Устозу шогирд икковлон йўл бўйлаб «отамлашиб» кетаверишди, кетаверишди. Ниҳоят муюлишдан ўтиб, ҳилватроқ жойга етишгач, шогирд «қўлнинг кири»ни (домла жаноблари пулни шундай деб атардилар) «ҳожатбарор» домлага узатди. Домла жаноблари бунақа ҳаром пулни ўнг қўллари билан ушлашдан жиндек ҳавф қилдиларми, ҳар ҳолда чап қўллари билан олиб, чап чўнтакларига мустаҳкам қилиб жойлаб қўйгач:

— Бу қанча, бўтам, 8.000 сўмми? — деб сўрадилар.

— Йўқ, устоз, келишганимиздек 7.000 сўм. Санаб олсинлар, тақсир.

Талаба шундай дея устози билан хайрлашди. Аммо устоз шунча пулни узоққа олиб кетолмадилар. Ул табаррук зотни милиция ходимлари андак безовта қилиб қўйдилар. Тинтув чоғида «бузоқнинг ҳақи бор деб, сигирнинг сутини ҳам ичмайдирғон» тақводор домланинг ёнларидан махсус «эмланган» 7.000 сўмдан ташқари, яна 2.575 сўм ҳам чиқди. Уйларидан эса 10.000 АҚШ доллари топилди. Домла бу долларларни мамлакатимизда якка тартибдаги сўм ҳукмронлигини билатуриб, мавжуд қонунларимизни оёқости қилиб, нотаниш валютафурушдан сотиб олғонлари тергов чоғида маълум бўлди.

> «Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир».
>
> (Ҳадисдан)

Водариғ, деб ҳайратдан яна бир бор ёқа ушлайдурғон бу ҳатти-ҳаракатларни ислом мактабининг мудири, Тошкентдек шаҳри азимдаги каттакон бир жомеъ масжидининг имом-хатиби содир қилғонликларига ҳамон ишонмоқ душвордир. Бироқ начора, «башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама» дебдурлар.

Ул муҳтарам зотнинг асл қиёфалари айниқса суд жараёнида тўлақонли намоён бўлди. Домла жаноблари «К. Эшонов 7.000 сўмни менга эрмас, масжидга ёрдам учун берғон эрди», деб аробани қуруқ олиб қочишга ҳам уриниб кўрдилар. Лекин тақсирнинг бойликка ҳирс қўйиб, бу гуноҳ ишларга қўл урғонликлари гувоҳу далиллар асосинда ўз тасдиғини топди.

Масаланинг бу ёғи мамлакатимизнинг жиноятчиликка оид қонунлари асосида адолатли ҳал этилди. Диний идораларимизнинг тақводор, иймонли, эътиқодли муллалари орасига тасодифан кириб қолған Ўразимбетов домла жаноблари роппа-роса 14 йилга озодликдан маҳрум этилдилар. Шугина эмас, «ул муҳтарам» зотнинг ўзларига тегишли мол-мулклари ҳам давлат фойдасига мусодара этиладирғон бўлинди.

Шундай қилиб, порахўр домланинг тинтув чоғида ёнларидан ва уйларидан топилган сўмлару долларларга қўшилиб, ВАЗ-2105 маркали «Жигули» автомашиналари ҳам «қулоғини ушлаб» кетди. Энди домла Ўразимбетов берилган жазо муддатини қаттиқ тартибли колонияда ўтаб қайтадилар.

Бу, пайғамбаримиз (С.А.В.)нинг ўз ҳадисларида: «Кимки бировга ёмонлик қилса, шу дунёнинг ўзидаёқ жазосини олади» деб, нақадар ҳаққоний гапни айтгонларидан яна бир бор далолат берадир. Мазкур жазо домлага берилган бу фоний дунё жазосидир. Агар Расулуллоҳ (С.А.В.) яна бир ҳадиси шарифларида «Кимки бойиш мақсадида одамлардан таъмагирлик қилса, демак, жаҳаннам ўтидан ўзи учун насиба тайёрлаган бўлади. Уни кўпайтириш ёки озайтириш қанчалик таъма қилишига боғлиқ» деганларини ўйласак, домла тугул бизнинг ҳам юрагимиз орқага тортиб кетиб, даҳшатга тушадирмиз. Негаки, охират жазоси олдида бу ўткинчи олам жазолари бамисоли ҳолва. Ул азоблардан ҳар биримизни яратган эгамнинг ўзи асрасин.

**Музаффар САЙДАҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жиноятларни тергов қилиш устидан назорат бўлими прокурори.**
**Мурод КАЛОНХОН,**
**журналист.**

# ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ

## Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари



***САВОЛ. Яхши биламизки, мустақил тараққиёт йўли оқ поёндоз тўшалган равон йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст-баландликлар, тўсиқ ва қийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг етти йиллик истиқлол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хулосалар нималардан иборат?***

**ЖАВОБ**. Менимча, етти-саккиз йиллик тажрибалар асосида тугал хулосалар чиқаришга ҳали эрта. Чунки биз яшаб ўтаётган давр ҳақида, миллатимиз ҳаётидаги туб бурилиш нуқтаси бўлган истиқлол йиллари ҳақида мукаммал хулосаларни тарих ва келгуси авлодларгина чиқаришга ҳақлидир. Лекин бугунги ўзимиз бевосита иштирокчилари бўлган ижтимоий жараёнлар таҳлилидан келиб чиқадиган баъзи бир сабоқларни зикр этиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчилик ўйлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан. Ёдингизда бўлса, 90-йилларда мустақилликка эришган айрим давлатлар эски тизимдан воз кечиб, бирданига демократия қурамиз, бирпасда ривожланган мамлакатлар даражасига эришамиз, деб хомхаёл қилган эди. Бугун, орадан етти йил ўтиб, уларнинг қуруқ гап эканини, хаёл бошқа, ҳаёт бошқа эканини воқеликнинг ўзи исботлади.

Шу каби ҳаёт сабоқларини ўйлаб, бошимиздан кечган воқеаларни таҳлил қилиб, ақл тарозисидан ўтказиб, шундай тўхтамга келаманки, **Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак** экан. Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чархпалак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу ҳолатлар янги тарихий босқичда янгича шаклда рўй беради. Шу нуқтаи назардан қараганда бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул замонлари бўлган. Халқимиз бошидан кўп нарсани ўтказган. Зафарларни ҳам, мағлубият ва парокандаликларни ҳам кўрган. Бунга Амир Темур ҳукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол бўла олади.

Буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч — адолатда» деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу ғоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимида меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, **адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.**

Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, борингки, оила мисолида ҳам омадимиз, файз-баракамизнинг гарови ва шарти бўлмиш тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини — адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз керак.

Фақатгина шу асосда бугунги эришган энг катта бойлигимизга — фуқаролар ризолиги, миллатлараро тотувлик ва юртимизда қарор топган осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин.

Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, биз тараққиётимизнинг, миллатимиз тарихининг ҳозирги босқичида, маълум маънода ана шу даврларни янгича шароитда қайта бошдан кечиряпмиз. Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйяпмиз. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунончи, халқ, миллат тақдирига дахлдор масалаларда пала-партиш, оқибатини ўйламасдан иш тутиш ярамайди. Одамларга яхши кўринаман, деб «чиройли» шиорлар билан жамоатни маҳлиё қилмоқчи бўлганларнинг бугунги аҳволи қандайлигини кўриб турибмиз. Бу ҳам, керак бўлса, кечаги тарих сабоғи эмасми?

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Биз шу пайтгача кўпроқ эски тузумни танқид қилиш, уни инкор этиш билан банд бўлдик. Албатта, бошимиздан кечирган мудҳиш ва мустабид турмушнинг бутун асоратларини англаб етиш, йўлимизни тўғри белгилаб олиш учун истиқлолнинг дастлабки йилларида бу биз учун албатта зарур эди. Аммо фақат ўтмишни ёзғириш, инкор этиш билан узоққа бориб бўлмайди. Эски асоратларни инкор қилиш осон, бироқ улардан қутулиш, уларни такрорламаслик — ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Эски жамиятни танқид қилиш осон, лекин янги жамият қуриш ниҳоятда қийин ва машаққатли жараён.

Мана, биз етти-саккиз йиллик мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бу йўлда орттирган озми-кўпми тажрибамизга, эришган ютуқларимизга таяниб айтиш мумкинки, **энди инкор қилиш қайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди.**

Яқин ўтмишимизнинг яна бир сабоғи шуки, **миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга.** Моддий етишмовчилик албатта оғир синов, лекин унга меҳнат билан, сабр-тоқат билан бардош берса, енгиб ўтса бўлади, аммо маънавий инқироз, маънавий қашшоқликдан, уларнинг оқибатидан — миллатлараро низолардан, биродаркушлик қирғинларидан худонинг ўзи асрасин.

Шукрки, биз халқимизнинг азму шижоатига, бунёдкорлик кучига таянган ҳолда, ўтиш даврига хос қийинчиликларни енга бориб, ўз йўлимизни аниқ белгилаб олдик ва шу йўлда озми-кўпми ютуқларга эришдик. Албатта, ютуқлар ҳақида ғурурланиб гапириш, кўплаб мисолларни келтириш мумкин, аммо сохта обрў орттириш йўлида кўкракка мушт уриб оламга жар солиш бизнинг табиатимизга ётдир.

Шу ўринда эътиборингизни, айниқса оммавий ахборот воситалари ходимларининг диққатини бир нарсага жалб этмоқчи эдим.

Юртимизда амалга оширилган катта ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига мамлакатимиз раҳбарияти бош-қош бўлиши табиий ҳол. Лекин бу жараёнларда кўпчиликнинг иштироки, қолаверса, ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Бу ишлар бутун халқимизнинг ақл-заковати, фидокорона меҳнати туфайли амалга ошмоқда. Президентнинг вазифаси эса жамиятни олий мақсадлар, ёруғ келажакка интилиш йўлига чорлаш, бирлаштириш, жипслаштиришдан иборат экан, бу иш менинг зиммамга тушибди. Мен нима иш қилган бўлсам, худо берган қобилиятимга яраша, халқимизга суянган ҳолда қилдим. Яратганга шукроналар бўлсинки, халқ менга ишонди.

Ана шу ишонч одамни эзгу йўлга бошлайди, қанот беради, керак бўлса, мислсиз куч-ғайрат бағишлайди. Азалдан қолган нақл борки, давлат бошлиғи ҳам ўз халқининг феъли-атворига яраша бўлар экан.

Мен бир гапни кўп айтганман. Яна такрорлайман: бизнинг юртимизга Оллоҳнинг назари тушган. Шундай экан, бу муқаддас заминдан мендай раҳбар чиқмаса, бошқа биров чиқарди.

Ҳар қандай таназзулдан, таҳликали мушкул аҳволдан, авваламбор халқнинг мардлиги, бунёдкорлик салоҳияти, теран маънавияти, содда қилиб айтганда, одамларнинг мададига таянибгина чиқиш мумкин.

Халқига суянмаган раҳбар ҳеч замонда бирон натижага эриша олмаган. Ахир, ҳар бир фуқаронинг жамиятда ўз ўрни, ўз бурчи ва масъулияти бор. Лекин уларни улуғ ва олижаноб мақсадлар йўлида руҳий, маънавий жиҳатдан бирлаштирадиган йўлбошчининг майдонга чиқиши тарихий тараққиёт тақозосидир.

***САВОЛ. Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, кейинги вақтларда мустақиллик мафкураси, миллий ғоя ҳақида жамиятимизда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Жамоатчилигимизга яхши маълумки, Сиз одамларнинг тафаккур тарзини, дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг қалбига ана шу улуғ ғояларни сингдириш борасида доимо жон куйдириб келасиз. Ижозатингиз билан энди миллий ғоя, миллий ғурур, маънавият масалалари ҳақида тўхталсак...***

**ЖАВОБ.** Миллий ғоя ҳақида жуда кўп ва узоқ фикр юритиш мумкин. У ҳаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Бу ҳақдаги асосий фикрларимни «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларимда ҳам билдирган эдим.

Шу нарса эътиборга сазоворки, кейинги вақтда «миллий ғоя» деган тушунча ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда, бугунги ижтимоий воқеликдан ўз ўрнини топмоқда.

Бу албатта мустақилликнинг — мустақил тафаккурнинг маҳсулидир. Бир пайтлар бу ҳақда сўз юритиш қийин эди. Ҳамма нарса коммунистик мафкура қолипи билан ўлчанган у замонларда ҳар бир одам ўзининг эътиқодидан қатъий назар, ичидаги ғам-ташвишларини яшириб, расмий минбарлардан туриб ёки матбуотда — оддий зиёлими, етук олимми ёки таниқли арбобми — барибир, айтаётган фикрининг ана шу қолипга мос келиш-келмаслигини ўйлашга мажбур эди. Чунки фикрловчи, ақлли одамлар қирғин-қатағонлар туфайли қўрқиб юрагини олдириб қўйган, уларнинг қонқонига, онг қатламларига ана шу ваҳима ҳисси сингиб кетган эди. Шунинг учун, яъни, бир қолипдан чиққани учун ҳам уларнинг фикрлари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш бўларди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган ибора бу ҳолатни яққол ифодалар эди.

Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, бу аввало **одамларнинг тафаккури ўзгариб, аникроғи, юксалиб бораётгани** билан белгиланади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аслида одамзот тафаккурининг чегараси йўқ. Ҳаёт ўзгариши билан, борлиқ дунё ўзгариши билан инсоннинг моддий ва маънавий муҳити, унинг дунёқараши ҳам ўзгариши қонуний ҳол, албатта. Агар тафаккурни атрофимиздаги ҳаёт тарзининг маҳсули сифатида қабул қилсак, унинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳаётнинг ўзи ҳам, унинг ўзгаришлари ҳам одамзот тафаккурининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу қисқа давр ичида — кейинги етти-ўн йил давомида замоннинг шиддат билан ўзгариши одамлар тафаккурининг ҳам тез ўзгариб боришига таъсир қилмоқда.

Бу муҳим, ғоят долзарб масала бўйича бизнинг ёндашувимиз шундай: **биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз.**

Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқравшан чароғон этадиган мафкура — миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шарти — одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир. Шу маънода миллий ғоя, миллий онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш, уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусда баҳсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очиқ-ойдин гапириш, ўйлайманки, ижтимоий тараққиётимиз учун катта наф келтиради.

Биз йигирма биринчи аср бўсағасида яшаяпмиз. Оллоҳ насиб этса, ҳадемай йигирма биринчи асрга ҳам қадам қўямиз. Хўш, янги асрга биз қандай онг, қандай мафкура билан — халқимизни бирлаштирадиган, унга йўл кўрсатадиган қандай миллий ғоя билан кириб борамиз?

Бу даврда бизнинг маънавий қараш ва нуқтаи назарларимиз нимадан иборат бўлади? Кундан-кунга ўзгариб, ғоят мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Уларнинг халқаро тажрибалар ва демократик тамойиллар билан уйғун ривож топиши учун биз нималарга эътибор беришимиз керак? Умуман, бизда янги аср учун мўлжалланган маънавий-мафкуравий фаолият мақсадлари — концепциямиз борми? Бор бўлса, у ўзида нималарни ифода этади? Йўқ бўлса, бу хусусда кимлар, қайси ижтимоий-сиёсий кучлар ишламоқда?

Кўриниб турибдики, саволлар бир-биридан кескин, бир-биридан долзарб ва мураккаб. Лекин уларга жавоб топмасдан, бу муаммоларни ечмасдан биз олға қараб ҳаракат қилолмаймиз. Бир жойда депсиниб тураверамиз. Чунки ҳеч қачон кишилик жамиятида ғоявий бўшлиқ бўлмаган. Агарки шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бегона турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар.

Бундай хавфни ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз ва унинг олдини олишимиз — бугунги куннинг энг долзарб, энг мураккаб вазифаларидан биридир. Хўш, бугунги кунда бизга мамлакат ичидан ва четдан таъсир ўтказиши мумкин бўлган қандай мафкуравий кучлар бор?

Бу кучларнинг ғоялари, манбалари, имкониятлари, таъсир доиралари қандай?

Бизнинг уларга муносабатимиз қандай бўлиши керак?

Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий ғоямиз қандай бўлмоғи лозим?

Уни кундалик ҳаётда, кенг жамоатчилик орасида, хусусан, ёшлар орасида тадбиқ этишнинг йўл ва усуллари нималардан иборат?

Шу муносабат билан бизга хавф солиши мумкин бўлган **айрим мафкуравий таҳдидлар**га ватандошларимиз диққатини қаратмоқчиман.

Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан ўн тўрт аср бурунги воқеликни бугун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларниниг нияти — ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдир. Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарур.

Бундай кучлар орасида «Ҳезби таҳрири исломия» ташкилоти айниқса фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг вакиллари бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳам яширинча, пинҳона иш олиб боришга уринишмоқда. Улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблағларини аямасдан ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, биз бундай ёвуз интилишларга асло йўл қўёлмаймиз ва қўймаймиз ҳам.

Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан бирга фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Инсонга ато этилган энг муқаддас фазилатлардан бири — бу Оллоҳни танишдир. Лекин инсоннинг мана шу буюк фазилатидан фойдаланиб, унинг онгини чалғитиб, ўз ғаразли мақсадлари учун қурол сифатида қўллаш—дунёда бундан ҳам кўра гуноҳи азим борми ўзи? Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин.

**Мафкуравий таҳдид ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз керак.** Ҳозирги вақтда Россия-Белорус иттифоқи атрофида зўр бериб шов-шув қилинмоқда. Маълум сиёсий кучлар бу иттифоқнинг «жозибаси»ни тарғибу ташвиқ қилиб, унга МДҲ ҳудудидаги бошқа мамлакатлар халқларини ҳам маҳлиё қилишга интилмоқда. Албатта, озодлик нашъасини тотиб кўрган, эркин нафас олаётган ҳар бир ақли расо одам бунинг тагида нима ётганини яхши билади. Аммо бу кучлар бугунги иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, мафкуравий таъсир воситалари ёрдамида сиёсатдан узоқ, содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган совет ғояларини ҳаётимизга қайтадан тиқиштирмоқчи, шу йўл билан бўйнимизга яна ўша эски бўйинтуруқни илмоқчи. Ишончим комилки, эрксевар ва ўз қадр-қимматини яхши англаб олган халқимиз бунга асло рози бўлмайди. Бинобарин, жамиятимиздаги барча соғлом кучлар бундай хатарларга қарши курашга ҳамиша тайёр туриб, кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни авж олдириши керак.

Мафкура соҳасида бизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган **яна бир хавф** — бу ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда. Хориждаги баъзи бир сиёсий арбоблар ва олимларнинг даъволарига кўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмиш, балки умумий туркий халқ бор эмиш. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйғур ва ҳоказо тушунчаларга барҳам бериш керак эмиш.

Биз бундай қарашлар билан сира келишолмаймиз. Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқаган эмас, баки, Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига исм қилиб олган бўлса, ажаб эмас.

Албатта, биз қадим тарихий илдизларимиз туркий халқлар билан бир эканини, тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз. қадриятларимиз ва маданиятимиз муштарак бўлганини эътироф этамиз, улар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Лекин **биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз.** Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор. Бутун дунё ҳамжамияти бизнинг буюк тарихимиз ва маданиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қилади.

**Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак.** Миллий ғоя ҳақида гапирганимизда ана шу жиҳатларни албатта инобатга олишимиз зарур.

Ўйлайманки, бу соҳада энг устувор вазифамиз — халқимиз орасида катта маърифийамалий ишларни олиб бориб, миллий мафкурамизга куч-қувват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир.

Шу ўринда мустақиллик ва истиқлол йўлида биринчи қадам қўяётган даврда ягона оила бўлиб яшаётган кўпмиллатли халқимизнинг долзарб шиорига айланган сўзларни эслатмоқчиман. «Шу азиз Ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқ-

